

2000 йил
май

Билла Ассаломият



18
сон

3 - 9 май
2000 йил


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Хотира муқаддасдир. Миллат ўзининг миллатлигини сақлашни истаса, хотира абадий бўлиши керак.

Ислом **КАРИМОВ**

ХОТИРА-МУҚАДДАС



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида тикланаётган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ҳадемай юртдошларимизнинг табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси

СУЯНЧ ТОҒИМИЗ ЭДИНГИЗ

Отажон-суянгувчи тоғим эдингиз,
Қайдан излай, бошдаги тоғим эдингиз.
Бу кун бағрим куйдирар аччиқ аламлар,
Умрбод йўқотдим-бахтим эдингиз.

Бу дунёда бизни гўё гулдай асраб,
Нечун энди бунча эрта ташлаб кетдингиз!
Бугун умр ўғлим деб, қизим деб, яшаб,
Мурғак чоғимизда гашлаб қайга кетдингиз?

Юрагимда ўчмас армон, нетай ахир,
Бу соғинчга қандай чидай, Отажоним!
Бир зум кетманг, меҳрингизга тўйиб қолай,
Тушларимда меҳмон бўлган, Отажоним!

Аччиқ қисмат жудо қилди, бағрингиздан,
Меҳр макон тунган маънос кўзингиздан.
Саждагоҳдир бизга доим изларингиз,
Ўчмагaysиз мангу бизнинг қалбимиздан.

Нилуфар АҲМЕДОВА

СОҒИНДИМ

Отажоним! Ўғлим деган сўзларингиз соғиндим,
Сизни бир бор йўқотдим тополмайин оғриндим,
Излаб чоңдим, тор кўчадан, тошчаларга қоқиндим,
Отажоним! Ўғлим деган сўзларингиз соғиндим.

Энди сизни қўмсагайман қолганимда гоҳ танҳо,
Соғинчларим соҳилида узоқ кезганда гоҳо,
Қайгуларинг кирғоқлари ўпганида оёғим,
Отажоним! Ўғлим деган сўзларингиз соғиндим.

Узоқ тунлар суратингизга ётурман тикилиб,
Кўзларимдан ёшлар оқар, маржондайин тизилиб,
Шунда юрак титраб кетар чок-чокидан сўкилиб,
Отажоним! Ўғлим деган сўзларингиз соғиндим.

Бу дунёда ота меҳри деган ҳисга тўёлмадим,
Бу бахтдан мен ҳовучимга тўддириб ҳам ололмадим.
Сиз кечдингиз, бу дунёдан мен сиздан ҳеч

кечолмадим,

Отажоним! Ўғлим деган сўзларингиз соғиндим!
Лобар НАРЗУЛЛАЕВА

СЎНГИ СУҲБАТ ЭКАН

Ёзувчи Мирвали Аъзам билан ёнма-ён кўшни эдик.
Сўнги бор у кишини шу йилнинг 12-апрел куни кўргандим. Ўшанда анча гаплашиб ўтирдик.

У кишининг туркчадан ўзбекчага таржима қилинган асарлари ҳақида сўзлашдик. Мирвали ака айниқса Р.Н. Гунтекиннинг асарлари ҳақида завқ билан гапирганди.

Хуллас, шу куни Мирвали ака билан мириқиб суҳбатлашиб уйга кетдим.

Эртаси - 13-апрел куни тонг саҳарда кўшни томондан йиғи овози эшитилди, билсак Мирвали ака бандаликни бажо келтирган эканлар.

Ёзувчи дўстимиз Мирвали Аъзамни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

С. САИДАҲМАД



ИСТАРАНГИЗ ИССИҚ ЭДИ...

Она! Онажон, сизнинг истарангиз иссиқ, ширинсўз, мулоийм, меҳрли аёл эдингиз. Қалбингизга ҳаё-ибо, эзгулик йўғрилган эди. Менга айтган аллаларингиз юрагимга эзгулик билан йўғрилиб кирган. Бетоб бўлганимда тунларни бедор ўтказар, менга Оллоҳдан саломатлик, узоқ умр, бахт бергин дея сўрардингиз.

Ойлар, йиллар ўтди. Мен вояга етдим. Лекин энди сиз йўқсиз, Онажон! Ҳар куни сизни эслайман. Худойимдан ёлвориб сизни сўрайман. Лекин на чора, улим ҳақ экан, сиз энди қайтиб келмайсиз гағмузорим, Волидам!

Сиздек меҳрибон, вафодор умр йўлдошидан жудо бўлганидан отам ҳам ҳамон изтироб чекиб яшамоқда... Отамга кўшилиб биз ҳам йиғладик, сиз яратган боғлар ҳам йиғлади. Аммо сиз қайтиб келмадингиз, Онажон!

Сиз тиккан кашта, сўзаналар уйимизнинг тўрини безаб турибди, давраларда айтган лапарларингиз қалбимиз тўрига жо бўлган. Мана, қабрингизни бир неча бор баҳор чечаклари қоплади.

1977 йил 2 май... Сиз оламдан ўтганингизга ҳам 23 йил бўлибди. Шу ўтган йиллар мобайнида биз болаликнинг шўх уйинлари, кўйирчоқлар ва китоблар билангина овуниб вояга етдик.

Сиз отам, акаларим, укам ва менинг армоним бўлиб қолдингиз. Сизнинг орзуларингизни отам кўрсин. Илоийм, умрларига умр кўшсин Худойим.

Жойингиз жаннатда бўлсин, Волидам!

Лобар ЭРҒАШЕВА

КУНЛАР ЎТАВЕРАРКАН...

1998 йил 19 апрел куни биз учун энг қайғули ва даҳшатли кун бўлиб қолди. Биз энг азиз меҳрибон кишимиздан - онажонимиздан айрилдик. Бу кунда биз фарзандларга кўшилиб бутун қишлоқ аҳли, қариндош-уруғ, ҳатто осмону замин ҳам йиғлади, ёмғир тинмай ёғаверди... Ўша кундан фарзандларингизнинг дарди-дунёси қоронғу. Бу кун биз то тирик эканмиз, ҳар доим бизни ларзага солувчи кун бўлиб қолади.

Онажонимиз - Мадарова Холбунисо бутун умрларини болаларни тарбиялашга бахшида этдилар. 53 йил ўқитувчи - устоз бўлиб неча-неча юзлаб ўғил-қизларнинг қўлларига қалам тутқазиб ёзиш ва ўқишни ўргатдилар. Шу билан бирга биз - 8 фарзандни ҳам оқ ювиб - оқ таратдилар. Ҳаммамизнинг олий маълумот олишимизга бош-қош бўлдилар. Ватанини ота-онани эъзозлагандек авайлашни, шу Ватан учун хизмат қилишни ўргатдилар.

Онажон, биз сизни соғинганда бағрингизга отилиб, ушиб борардик. Хурсандчиликда ҳам, ёмон кунларимизда ҳам бизга яхши маслаҳатчи эдингиз. Энди-чи? Энди онажон сизни фақат ҳаёлимизда ва тушимизда кўраемиз, холос. Армон билан, алам билан

эслаймиз.

Кунлар бирин кетин ўтиб бораяпти - баҳор, ёз, куз, қиш ва яна, яна... Лекин ҳар доим кўз ўнгимизда сизнинг сиймонгиз. Онажон, мана яна сизни хотирлаб, эслаб ўтирибмиз. Онажон, Сиз нафақат ўз фарзандларингиз, балки бутун қишлоқ аҳлининг маслаҳатгўйи эдингиз, чунки барча ҳамқишлоқлар уйи тинч-нотинч бўлса хузурингизга маслаҳатга келишар эди, фақат тўғри маслаҳат бериб, хайрли ишларга йўллардингиз.

Онажон, энди Сизнинг ўрнингизни ҳеч ким боса олмайди, лекин ўлмоқ ҳақ, тақдирга тан берамиз. Илоҳим гўрингиз нурга, гулга тўлсин. Сизнинг руҳингиз доимо бизни қўллаб-қувватлаб турсин. Фарзандларингиз номидан

Муҳайё МАДАРОВА

Ангрэн шаҳри,
Облик қишлоғи



МАҚСАДИМИЗ - СОҒЛОМ ИНСОН

Сухбатдошимиз Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳоким муовини, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Мухаррам СУЛТОНСАИДОВА.

- Мухаррам опа, туман хотин-қизлар фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз...

- "Соғлом авлод йили" туман хотин-қизлар кўмитаси олдида қатор вазифаларни кўйди. Туманимиз аҳолисининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этса, шулардан 12 фоизини балоғатга етмаган қизлар ташкил этади. Биз ҳам тумандаги жаъми мактаб, касб-хунар коллежи хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла раислари билан биргаликда иш олиб бораямиз. Иш давомида ҳар бир аёл ёки ўсмир қизнинг кўнглига йўл топишга, уни қийнаётган муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз. Тумандаги барча ҳўжалиқларда, маҳалла ва мактабларда турли-туман тадбирлар, қизикарли кечалар уюштираямиз.

- Туманда аёллар саломатлиги борасида қилинаётган ишларга ҳам тўхталсангиз...

- Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, "Соғлом авлод учун" дастурининг ишлаб чиқиши хотин-қизлар кўмиталари зиммасидаги масъулиятни янада кучайтирди. Дастурдан келиб чиқиб,

энг биринчи эътиборни аёллар саломатлигига қаратиш, уларнинг соғлигини тиклаш режаларини ишлаб чиқдик. Йилнинг 1-чорагидаёқ тумандаги 16800 нафар туғиш ёшидаги аёлларимизни тиббий кўриқдан ўтказдик. Улардан айримларига туғишдан сақланиш тавсия этилди. Никоҳдан ўтаётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам қатъий йўлга қўйилган. Жорий йилда туманда 25 та никоҳ рўйхатга олинган бўлса, турмуш қурган ёшларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтишди.

- Турмуш қураётган ёшларнинг тиббий кўриққа муносабати қандай бўлмоқда?

- Биласизми, балоғатга етмаган ёшлар, турмуш қуриш арасида турган йигит-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораётиб, ҳар гал кўнглимдан ёшларнинг тиббий дунёқарашини ўстириш керак деган фикр кечади. Сабаби, бундай кўриқларнинг ўтказилиши фақатгина қони фойда. Чунки бугунги кизлар - бўлғуси оналардир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг камолини кўришнинг орзу қилади. Соғлом бола ҳам фақатгина соғлом онадан дунёга келади. Афсуски, фаолиятимиз давомида баъзан норозилик билдирган йигит-қизларга ҳам дуч келаямиз, лекин тиббий кўриқдан ўтказишнинг асл моҳияти тушунтирилгач, ёшларнинг фикри ўзгармоқда. Қолавер-

са, туман ФХДё бўлимида турмуш қураётган ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини уйғотиш, оилада эр-хотин бурчи, соғлом фарзанд ўстириш борасида алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

- Етим ва ногирон болаларга мурувват кўрсатиш, уларга ғам-хўрлик қилиш борасида ҳам анчагина ишлар қилинаётган экан...

- Шу вақтга қадар, туманимизда бир неча маротаба хайрия кечалари ўтказилиб, аҳолига 904 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Чунончи, Жанубий Корейнинг "Эви Грин" хайрия жағфармаси ёрдамида (жағфарма раиси Рю Ок Сун) тумандаги етим-есир болаларга катта концерт дастури ташкил этилди. Кеча сўнггида эса тадбирнинг ёрдач қатнашчиларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди. Ўттиз беш нафар кам таъминланган оила аъзолари Самарқанд шаҳрига бепул саёҳатга бориб келишди. "Нафис" хусусий дорихонаси ҳомийлигида "Гулистон" ширкат ҳўжалигида яшовчи Қ. Раҳимжоновга ногиронлик аравачаси ҳада этилди.

Шу кўнчага кўмитамизга 45 нафар аёлдан шикоят хати тушди. Уларнинг аксариятини моддий ёрдам, ишга жой-

Хотин-қизлар кўмиталари ва Соғлом авлод тарбияси



лаши, ногиронлик нафақасини ундириш ва оилавий келишмовчиликлар ташкил этади. Биз буларнинг барчасини ижобий ҳал қилишга эришдик. Бундан ташқари кўмитамиз фаоллари туман тадбиркор аёллари билан ҳам узвий мулоқотда. Айни кунда туманда 402 нафар тадбиркор аёл фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, соғлом авлодни бунёд этиш кўмитамизнинг асосий мақсадидир.

**Ф. ХОЙИРОВА,
Ш. ИМОНОВ**

БАХТЛИ ОИЛАЛАР КўПАЙСИН!..



Сухбатдошимиз Юнусобод тумани 2-сон "Шодлик" никоҳ саройи мудараси Нургис ИСОХОНОВА.

- Нургис опа, йигит ва қизлар никоҳ қуриш учун ариза беришга тиббий кўриқдан ўтишгапти. Бунинг қандай фойдали томонлари бор?

- Оиланинг соғлом йигит-қиздан ташкил топиши бахтли турмуш асосидир. Деярли 80 фоизга яқин йигит-қизлар тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтишмоқда.

- Улар тиббий кўриқдан ўтиш учун қаерга мурувват этишлари керак?

- Бўлажак келин-куёвлар бизнинг

йўлланамизга асосан Ахборот-сервис хизмат марказига боришади. У ерда тўй тантанасини ўтказиш, видео, либос, автотранспорт каби хизмат турлари мавжуд. Энг муҳими, ҳуқуқшунослар ва тиббиёт ходимлари керакли маслаҳатларини ва ёрдамларини берадилар. Яъни, ёшлар тиббий кўриқдан ўтишгач, шаҳар диагностика марказига боришади. Агар уларнинг бирортасида касаллик борлиги аниқланса, даволанишади. Муҳими, бу марказдаги тиббиёт ходимлари кейинчалик ҳам уларнинг сирдошлари, маслаҳатгўйларига айланадилар. Ҳатто тўйдан кейин ҳам шу ерга бемалол мурувват қилишлари мумкин.

- Бир ой муддат ичида тиббий кўриқдан ўтиш, турли ташхислар бўйича даволаниш йигит-қизлар учун қандай қилмасмикан?

- Биласизми, очигини айтсам, бу масала мени ҳам анча ўйлантиради. Бир ой албатта жуда оз муддат. Чунки ёшларда бирор касални аниқлаб ташхис қўйилгунча анча вақт ўтиши табиий. Яна уни даволлаш ҳам вақт талаб этади. Бўлғуси оналар, қизларимиз соғлом фарзанд кўриш учун никоҳ остона-

сида турганида эмас, балки ёшлиқдан бошлаб тайёрланишлари зарур эмасми? Ўзингиз ўйланг. Ахир ўғил болалар мактаб давридан бошлаб Мудрофаа бўлинмаларида вақти-вақти билан чақиртирилиб, тиббий кўриқдан ўтказилади. Касалга чалинганлари бўлса ҳисобда ҳам турадилар. Қизлар-чи? Ахир нима учун уларга ёшлиқдан эътибор бермаймиз? Овқат пиширса, уй тутишни ўрганса, бичиш-тиқишни эпласа бўлди-да, дейди кўпчилик оналаримиз. Лекин соғлиги билан қизиқиб кўрмайдилар, энг ачинарлиси ҳам шунда.

- Ҳозир ҳар бир ФХДё бўлимида "Оила мактаблари" очилди. Шу ҳақда фикрингиз...

- Тўғри, бундай мактаб ҳозир ҳар бир туман ФХДё бўлимида бор. Унинг ёш келин-куёвларга ёрдами катта. Бу мактабда нафақат никоҳгача, балки никоҳдан кейин юз бериши мумкин бўлган муаммолар ҳақида ҳам тушунтирилади. Шунингдек, бу ерга руҳшунослар, акушер-гинекологлар ҳам жалб этилиши эса ёшларга катта фойда беради.

- Нургис опа, никоҳ саройингиз ходимлари келин-куёвларга тўй оқшо-

Соғлом авлод - Соғлом оила мида никоҳ гувоҳномасини топиришаркан...

- Юртбошимизнинг тўй-ҳашамларни тартибга солиш ҳақидаги Фармони қўқанидан кейин биз ҳам бу ҳақда ўйладик. Тўғриси, ёш келин-куёвлар никоҳни қайд эттириш учун ўнлаб машиналарда видеолар билан келиши шарт эмас. Яна кейин бўладиган зифёвату базмларни айтмайсизми? Ахир бунга қимнингдир қурби этади, қимдир эса...

Шуларни ҳисобга олиб биз келин-куёвлар билан келишган ҳолда никоҳни қайд этишни тўй оқшоми, маҳалла, қариндошлар, ёру-биродарлари орасида чиройли табриклар топиришини ташкил этдик. Ортиқча чикимсиз бу маросим кўпчиликка маъқул бўлди.

- Тўйлар арасида турган ёшларга тилақларингиз...

- Ёшларимиз энг аввало соғлом, ўз дунёқарашига эга ва маънан етук бўлишсин. Яна юртимизни севсинлар, аждодларимиз анъаналарини эъзозласинлар.

- Сухбатингиз учун ташаккур.

Басира САЙИД АЛИ

НИКОҲ МАЖБУРАН ТУЗИЛСА...

ЗАРИФАнинг мактубидан: "Мен келин бўлиб тушганимда эримнинг яна иккита буй етган укалари бор эди. Тўйимиздан кейин қайнотам кичик ўғилларини ҳам ўйлантириш ҳаракатига тушдилар. Биз энди алоҳида уй қуриб чиқишимиз керак эди. Янги иморат қурилишини бошлаб юбордик. Эру-хотиннинг бор тоғганимиз шунга кетди. Ҳатто дастимиз қисқалик қилиб, қурилиш чўзила бошлаганида мен тилда тақинчоқларимни сотдим. Хуллас, бир амаллаб уйимизнинг бир томонини жиҳозлаб яшай бошладик. Сўнгги йиллар ичида рўзгордан тежаб-тергаб, иморатнинг қолган қисмини ҳам битказдик.

Эндигина хотиржам яшаётганимизда, тўсатдан эрим билан муросамиз келишмай қолди. Ҳар куни ичиб келадиган, "Уйдан кет, сен барибир фарзанд кўрмайсан!" дейдиган одат чикарди. Ахийри, тоқатим тоқ

бўлиб ота уйимга кетиб қолдим. Бу орада эрим янги уйимизни ўйланган уқасининг номига ўтказиб, ўзи ота-онанинг довлисига кўчиб чиқибди. ФХДё орқали ажрашганимизга ярим йилча вақт бўлди. Қайнотам менга онам қилган сеп-сидирафадан бошқа ҳеч нарса бермади. Иморат тиклаймиз деб бор-йўғимдан, зар-зебарларимдан, муҳими соғлиғимдан айрилганимни ўйлаб ичим қуйишади. Наҳот, бутун меҳнатим сарф бўлган ўша уйда менинг заррача ҳақким бўлмаса? Кимдан сўрамайин, "билмадик" деб елка қисади...

Биргаликда орттирилган ўртадаги мол-мулкда аёлнинг ҳам албатта ҳақи борлиги Оила кодексига батафсил айтиб ўтилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 28-моддасидан Зарифа ўз саволларига жавоб топиши мумкин. Унда айтилишича, **"Агар эр ва хотиндан бири умумий**

мол-мулкни эр ёки хотиннинг эрига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати тиксизга олинади".

СУРАЙЁнинг мактубидан: "Менимча, аёл учун дунёдаги энг оғир ҳўрлик эркак хиёнатид бўлса керак! Эримнинг ўзга аёлга айланишини эшитганимдаёқ кўзимга олам зимистон кўринди. Уни инсофга чақириб бефойдалигини билган, аразлаб кетиб қолдим. Кўп ўтмай эрим ўша аёлга уйланиб ҳам олди. Шундан сўнг мен ундан буткул умдимини уздим. Лекин, орадан етти ойча вақт ўтиб, эрим тўсатдан ҳўқлимиз атрофида парвона бўлди. Бир куни йўлимни тўсиб, "Кел, ярашайлик, мен қаттиқ адашибман!" деди. Мен кўнмадим. Унинг хиёнатини ичичимдан кечиролмадим. У бўлса

ҳали-ҳануз "Ярашайлик" деб ўз ҳўлимга қўймапти. Энди бирга яшолмаслигимизни унга қандай тушунтирсам экан-а?"

Бу муаммо эмас. Агар Сурайё оилавий ҳўқуқларимиз белгилаб қўйилган китобчани варақлаб кўрса, унда **"Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас"**, - дейилган алоҳида модда бор.

ГУЛСАРАнинг мактубидан: "Шаҳардаги хунар билгим юртида ўқиб юрардим. Бир гал қишлоққа борсам, келинчилик: "Совчилик келишяпти, бирорта йигит билан гаплашиб қўйганмисиз?", - деди. "Онам кимга узатса, шунга тегаман!", - дедим ҳазилга олиб. Мен кетишим билан ҳазилчининг айланиб, онам совчилардан бирига "хўп" деб юборибди. Бунини эшитиб, аввалгига қулиб қўяқолдим. Лекин, ўша йигитни кўрганимдан сўнг ташвишга тушиб қолдим. Бўлажак

куёв менга сираям ёқмади! Бунини онамга айтсам, "Тўйни қайтаришнинг ҳосияти йўқ, никоҳдан кейин қўниқиб кетасан", - дедилар. Шу кўнларда дардудунём қоронғу. Ахир ҳадемай никоҳ тўйи бўлади. Мен эса ўзимга маъқул бўлмаган киши билан мажбуран яшашим керак... Наҳот, бунинг бошқа бир илоҳи топилмаса!"

Албатта, илоҳи бор. Оила кодексининг 53-моддасида бу борада шундай дейилган: **"Мажбурлаб тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин"**. Ҳақ-ҳўқуқимизни билкишанглаш ўзимизга фойда. Ҳўқуқий билимдонлигимиз бизнинг ҳаммаки оилавий муаммоларни осонгина ҳал этишимизда яқин кўмакчи бўлади.

Г. ЖАМИЛОВА



Бир куни кечқурун 6 яшар ўғлим сўраб қолди:

- Ая, Сиз ҳаммадан чиройли-а?
Кулгим кистади. Жавобимни кутмасдан яна давом этди:
- Музапчани аяси хунук.
- Нега?
- Манга бакириб берган-у?

Ўғлимнинг саволлари мени бир муддат олис болаликнинг бегубор кунларига қайтарди. Бу саволлар... Ахир бу менинг саволларим-ку. Шу саволларни бир вақтлар ўзим ҳам такрор ва такрор онамдан сўраган эдим. Осмонда беҳисоб юлдузлар чарақлаб ётган ойдин, фарахбахш ёз оқшомлари. Ойимнинг гоҳ хўрсиниб, гоҳида кулиб берган жавоби бир умр қалбимга муҳрланиб қолган, беихтиёр ушбу хикоятни ўғлимга ҳам айтиб бердим.

"Қадим-қадим замонларда кўҳна Кешда бир жаҳонгашта бек яшаб ўтган экан. Унинг давлати беҳисоб бўлиб, шимолга сафар қилса шимоллик, жанубга сафар қилса жанублик гўзални ўзи билан олиб қайтаркан. Шундай сафарларнинг бирида уйига қайтаётган бек Кеш яқинидаги Хисор тоғида бир гўзал қизни кўриб, унга ишқи тушибди. Бек жуда тез севиб қоларкан ва жуда тез унатар ҳам экан. У қизисз яшомаслигини қизнинг ота-онасига жудаям ишонarli қилиб айтибди. Қизларининг ҳам бека кўнгли борлигини билган ота-онаси рози бўлишипти. Шундай қилиб бек қизни Кешга олиб келибди. Улар бирга яшай бошлабдилар. Орадан бир мунча вақт ўтиб, бек уйда ўтиролмай қопти ва яна сафарга отланибди. Тоғлик гўзал кўзда ёш билан уни кузатибди.

Орадан бир йил ўтиб, бек сафардан қайтибди. Буни эшитган жувон бекнинг

ОЙИЖОН, СИЗ ҲАММАДАН ЧИРОЙЛИСИЗ....

истикболига югуриб эмас, учиб чиқибди. Оқ-х... Не кўз билан кўрсинки, бек ёлғиз эмас, ёнида ҳусни ой билан талашадиган гўзал бор экан. Бек заррача хижолат чекмасдан жувонга депти:

- Уйдан кўнглингга нима ёқса шуни ол-да, тўрт томонинг қибла, хоҳлаган жойингга бориб яшашинг мумкин.

Жувон бир зум саросимага тушибди. Узини қўлга олиб депти:

- Кўнглимга ёққан битта-ю битта киши бор эди. Энди унга ҳаққим йўқ. У бошқа гўзалга тегишли... Лекин, ҳар нечук яна бир киши бор, - деб югурганча уйга кириб чақалогини бағрига босиб чиқибди.

Буни кўрган бекнинг қути учибди. Лекин айтилган сўз - отилган ўқ. Аёлнинг орқасидан бир оғиз "қайт" деб айта олмасдан зўрга отидан тушибди, ёнидаги гўзални ҳам унутиб, оғир-оғир қадамлар билан уйига кириб кетибди.

Аёл боласини бағрига босиб боши оққан томонга йўл олибди. Ота-онасининг олдига қайтиб боришга гурури йўл кўймапти. Узоқ йўл босипти. Уни аввал очлик, сўнг ташналик қийнай бошлапти. Ниҳоят йўлда кичкина булоқча учрапти. Аёл суюниб булоқдан сув ичмоқчи бўлган экан, булоқча тилга қирибди: "Агар менинг сувимдан ичсанг бутун тирик мавжудотни дол қолдирадиган тенгсиз гўзалга айланасан, дунё бойликлари оёғинг остида бўлади, аммо боланг ўлади", - деган овоз келибди. Ташналик қанчалар қийнамасин аёл боласини маҳкамроқ бағрига босиб, булоқчадан узоқлашибди. Энди боласи ҳам ташналикдан қийнала бошлапти. Бир оз ўтириб дам олмоқчи бўлган аёл ёнгинасида сувнинг шилдирашини эшитибди. Бу булоқчанинг нима синоати бор экан, деб ўйлашга улгурмасидан булоқчадан шунақа овоз эшитилибди: "Сувимдан иштаганинча қониб ичишинг мумкин, боланг ҳам, сен ҳам тирик қоласизлар, ўғлинг оқил ва доно бўлиб, юрт сўрайдиган одам бўлади, аммо сен шунчалар бадбашара бўлиб қолсанки, ҳатто туққан боланг ҳам юзингга қарашга сесканади".

"Болам тирик қолса бас", - уйлапти аёл ва боласига ҳам сув ичирибди, ўзи ҳам сув ичибди. Шу пайт булоқчадан

бадбашара бир нарса ўзига қараб турганини кўрган аёл сесканиб кетибди. Булоқча яна шилдирапти: "Бу ўзингни аксинг, сабр қил. Кўнгириқлар овози эшитилмоқда, қарвон ақин қолди, бир-икки кунда шу ердан ўтиб қолишади ва сени боланг билан ақин орадаги шахарчада қолдириб кетишади".

Аёл ўзини-ўзи юпатибди: "Болам тирик қолди-ку, менга шунинг ўзи бас". Ва боласини чўчитмаслик учун юзига парда тортибди.

Улар чекка бир шахарчада истикомат қила бошлаптилар. Яхши одамлар кўмада бошланган ҳам эга бўлишипти.

Орадан йиллар ўтиб, бола ҳам яхши ёмоннинг фарқига борадиган, ўсмир ёшга етибди. Кунларнинг бирида бола ўртоқлари даврасида кулишиб, ҳазил-хузул қилиб турса, болалардан бири депти: "Қанақа қилиб бадбашара бир аёлнинг боласи шунчалар келишган, чиройли бўлар экан-а?". Бола дафъатан гап ким тўғрисида эканлигини англай олмапти. Қараса ҳамма ўртоқлари унга тикилиб туришибди. У қалбига аччиқ оғриқ билан ўртоқларидан узоқлашипти. Уйга боргач, биринчи марта ойисини юзига парда тортилмаган ҳолда кўриб, этлари жимирлаб кетибди, ҳеч нарса демасдан уйга кириб кетибди. Ўғлининг қаттиқ хафа эканлигини сезган ойиси юзига парда тортиб боласининг олдига кирибди, нима гаплигини сўрабди. Аёл қанчалик бадбашара бўлмасин овози шунчалик майин, оҳангдор экан.

Бошидан ўтган воқеаларни ўғлига бир бошдан хикоя қилиб берибди.

Ўғил онасининг дардли хикоясини тинглаб кўзлари ёшга тўлибди. Ўзининг бояги ҳолатини эслаб, виждон азобидан инграб юборипти. Ойисининг юзидаги пардани олиб улуктирибди-да бадбашара юзини қафтлари орасига олиб, чуқур меҳр-муҳаббат билан депти:

- Ойижоним, Сиз ҳаммадан гўзалсиз, ҳаммадан яхшироқсиз!

Ана шунақа ўғлим. Дунёда фақат ҳаммадан яхши, ҳаммадан чиройли ойижонлар бўлади.

Инобат НОДИРШОХ қизи

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

нафар жўжабирдай боласи билан қолган Обида опа ярашишга мажбур бўлди. Бир совуқчилик тушган уйдаги турмуш кўнглидагидай бўлиб кетмади. Менинг синфдошим Мархабо уйда бўлаётган нохушликлар сабабми доим гапгин юрарди. Синфдош қизларга ҳам унча кўшила олмасди. Баъзан уни сирдош ўртоғига оиласи ҳақида йиғлаб гапириб бераётганини ҳам кўрардим. Хуллас, бу бачкана гавғолар балоғат ёшига етиб қолган Мархабонинг ориятини келтирарди. Кунларнинг бирида уларникига китоб сўрагани чикдим. Дарвозага яқинлашарканман, эшикнинг бир табақаси очиклигига кўзим тушди. Ичкаридан эса Мархабонинг "Қаердан ҳам туғилдим..." деб йиғлаб турганини устидан чиқиб қолдим. Мени кўриб у уялиб юзларини беркипти, югурганча уйга кириб кетди. Мен ҳам ва машамалардан хижолат бўлиб дарҳол изимга қайтдим...

Бахтиёр ЯҚУБОВ,
ТошДУ журналистика
факультети талабаси

ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН, КЕЛИНИМ ЭШИТ...



ЭРИНИ РИЗО ҚИЛГАН АЁЛ

Кимнинг иши бўлса ақлга пайванд,
Тақдир юлдузидан нолимас
ҳарчанд.
ФИРДАВСИЙ

Борми, шундай аёл. Бор. Топилади. Яратганининг ўзи ярлақайди бундай аёлларни.

Она қизим, аввало сен ўзингга шу саволни бер. Эрингни ризо қилолдингми? Эрак яхшими, ёмонми, барибир у пир ҳисобланади. Яхши гапириб, кўчадан келганида саломингни қанда қилмай, меҳрибонлик кўрсатаверсанг, айтганини қилсанг, билмаганини мулойимлик билан тушунтирсанг, ундан ёмонлик чиқмаса керак.

Катта олим, академик Ҳабиб Абдулаевнинг рафиқалари Фотимахоним шундай деган эди: "У кишининг ишлари, дам олиши учун уйда барча шароитларни яратишга қўлимдан келганча ҳаракат қилардим. Эҳтимолки, шу боисдан у киши ишхонада бирон бир сафаргарчилик ёки қийинчилик туғилса, тезроқ уйга ошкардилар".

Ҳа, эрак киши уйда юпанч топса, хузур-ҳаловат, меҳр кўрса, мазали таомлардан баҳра олса, ширин муомалага сазовор бўлса, албатта уйига ошпақди. Фотимахоним давом этиб, яна шундай деган эди: "Истардимки, ҳар бир ўзбек аёли эрларига итоатли, сабр-тоқатли ва Она деган табаррук номга муносиб бўлсинлар".

Фотимахоним етук шифокор, илм-фан кишиси бўлган. Уни юқори лавозимларга ҳам таклиф этишди. Лекин у ҳаммавақт иш билан, илм-фан билан машғул бўлган эрига яхши шароит яратиш, фарзандларини тарбиялаш ниятида ҳар қандай лавозимдан воз кечган. Ва эрини ризо қилган. Ақлли, илмли фарзандларни тарбиялаб, воғна етказган. "Азизим Фотимахон. Биргалиқда яхши умр кечирдик. Сиз ўз ҳаётингизни менга бағишлаганингиздан ниҳоятда миннатдорман", - деб дил изохорини баён қилган эди раҳматли Ҳабиб Абдулаев. "Агар ўшанда мен ҳам ишлайман, эримдан камчилик жойим йўқ, деганимда бугунги хуш онларим қўл етмас армон бўлармиди", - деб тақдирига шукроналар айтди Фотимахоним.

Ҳа, қўл етмас армон билан яшаб юрганлар озми? Агар эрингни топанга рўзгорга етиб турган бўлса, фарзандларинг билан шугулланишга вақтинг озлик қилса - ишламаганинг маъзул. Эринг билан маслаҳатлаш бу борада. Ва айтганини қил. Ишламай ўтирганингни ҳеч қачон писанда қилма. Барча вақтингни, хуш соатларингни, билимларинг ва лаззатли таомларингни, озода, саранжом-сарништа уй тутишингни эрингга, болаларингга сарфла, қизим. Кейин нолимайсан.

Хуллас қалом, нима демоқчи эканимни тушуниб етгандирсан. Эрини рози қилган аёл икки дунёда ҳам юзи ёруғ бўлади, иншоолан.

Саломат МАХМУДОВА

ТАҚДИРМИ Ё...

Бу ҳақда ёзиш фикри мени анча ўйлантирди. Ёзишимни ҳам, ёзмаслигини ҳам билмадим. Охири синфдошим хотираси ҳаққи-хурмати кўпчилик ота-оналарга бу нарса сабоқ бўлсин деган ниятда бўлган воқеани ёзишга аҳд қилдим.

Қўшни ҳовлида ҳар кун жанжал, тўполон бўларди. Маҳалладагилар бир-икки марта уларни яраштириб қўйишди, лекин бу жанжалларнинг тез-тез бўлиши охири уларни ҳам чарчатди. Бора-бора одамлар бунга ҳам қўниқиб кетишди. Бу жанжаллар ҳаммаси биргина уй талашиб қилган бошланган эди. Асли воқеа эса мана бундай бошланган: бир қишлоқдошимиз уйини сотмоқчи бўлди. Собир ака эса ўша уйни 150 минг сўмга баҳолаб сотиб олмоқчи бўлди. Бироқ кўп ўтмай Собир аканинг қайниси бўлмиш Сарварнинг бу уйга

ишқи тушиб қолиб, уйни 200 минг сўмга сотиб олмоқчи бўлди. Уй эгасига ҳам шу нархда сотиб олишга ваъда беради. Шу-шу бўлдию, Собир ака хотини Обида опага "сенинг уқанг дўст бўлмайди одамга, бўлмаса келиб-келиб мен оламан деган уйни олармиди, унинг зотида бор, зоти ўзи шунақа", - дерди нуқул. Кунда ҳам эри, ҳам қайнонани томонидан тинимсиз жеркишлар эшитавериб Обида опанинг ҳам сабр косаси тўлди, егани бўғзига тиқилди. "Ўзи инсоф борми сизларда? Бир гапни ҳадеб айтаверасизми, кучингиз етса, ана олинг, 250 мингга..." деганини билмай қолди. Шунда Собир аканинг ҳам пешкирлиги тутиб Обида опани жуда қаттиқ урди, қайнона эса бу ҳолга томошабин бўлди... Ойлага дарз кетди. Эр-хотин икки ой давомида юзкўрмас бўлиб юрди. Маҳалла аҳлининг аралашуви билан 5

ШАЪРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

Синглим ГУЛМИРА!

Биз сени туғилган кунинг билан таъриқлаб, сени Оллоҳдан соғиниб тилаб қолганимиз.

Опанг Ханифа, аканг Саидқором

Хурматли МАХМУД ака!

Сизни туғилган кунинг билан таъриқлаймиз. Бахтингизга умрингиз узок, фазлингиз соғ бўлсин.

Рафикангиз Эътибор, қизингиз Махлиё

Севимли қизим НОДИРА!

Шавалуд кунинг мувафак бўлсин! Келажакни порлоқ, фазлингиз доимо соғ бўлсин.

Ойжонинг Насиба

Азиз ва меҳрибон онажонимиз Мухаббатхон МАЖИДХУЖАЕВА!

Сизни 1-май кунингиз 60 ёшга тўғилганингиз билан бини порадан қутлаймиз. Умрингиз узок бўлсин. Бахтингизга доимо соғ бўлсин. Ғилатан ҳар бир эътиборингизга эътиборингизни Оллоҳдан тилаймиз.

Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз ва набираларингиз Тошкент

ИЛОН

Бу судралувчи жонивор турли тимсолларга эга. Бу тўғрида батафсил таъриф бериш ниятингиз йўқ. Яқин ўртада тушимда қўргангиз илон туфайли рўй берган ҳолатлар ҳақида тўхталмоқчиман.

Иккита баҳайбат илон эмиш. Бирининг боши қора, иккинчиси оқ бошли. Оқ бошлисининг танасида майда бошчалари ҳам бор. Иккаласини ҳам безовта ҳолда кўрдим. Майда бошчалари кўп оқи тезлик билан кичик тешикка кириб кетади, яна бошқа жойдан лоп этиб чиқиб туради. Изидан қора бошлисини ҳам пайдо бўлади. Бу ҳаракат анча давом этди.

Уша кунни кечқурун тушда қўрганларим айнан рўй берди. Рафиқам билан гапим қовушмай, санманга бордик. Охирида жаҳл мени бирдан тарк этди. Кейинги тушни қўргангизга ҳам ҳали кўп бўлгани йўқ. Баҳайбат кобра эмиш. Менга ҳамла қилмоқчи бўлди. Мен ҳам ўзимни ҳимоя қилиш учун қарши ҳужумга ўтдим. Бир қисиб ўлдириб қўймоқчи бўлдим. Мен бу жониворларни ҳеч қачон ўлдирмайдман, дегандеким-ку, деб қўйвордим.

Эрталаб ишга келсам, саломалиқдан сўнг ўзимдан ўн беш-йигирма ёш кичик ҳамхонам менинг ишимдан камчилик қидириб ўзиникини маъқуллай бошлади. Унинг бу ҳаракатини ўзимга оғир олдим. Ўзимнинг ҳақлигимни далиллар билан исботласам ҳам бўш келмади. Кўнглидаги ғуборларини эс-латдим. Унга Яратганининг ўзи бас келишини тиладим. Кўп ўтмади. Сува тушган мушукдек шумшайиб, кечирим сўраб, тавба қила бошлади. Ҳолати ачинарли эди. Охири Худо кечирсин, дедим.

Англагандирсиз: икки жинсдаги илоннинг безовталиги - эр-хотиннинг жанжаллашиши аломати экан. Ягона илон сизга қарши ҳамла қилса ким биландир уришасиз. Бундай кўнгилсизликлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

КЎҚЎРҒОНИЙ

Онажонимиз КҮМРИХОН ая!

Сизни мувафак шавалуд кунингиз билан бини дилдан қутлаймиз. Узок умр, соғлиқ тилаймиз.

Эътибор ила қизингиз Эътибор

Хурматли Лочинбек ЖҲРАЕВ!

Сизни 9 май туғилган кунингиз-ла бини дилдан қутлаймиз.

Оила аъзоарингиз ва дўстларингиз

“ЗУККО” фирмаси ўқув маркази сизларни турли курсларга ўқишга таклиф этади

3-ойлик	2-ойлик
Бичиш-тиқиш - бир ойга 2000 сўм.	Торт тайёрлаш - бир ойга 2000 сўм.
Инглиз тили - бир ойга 1500 сўм.	Сартарошлик - бир ойга 2500 сўм.
Телерадиоусталари - бир ойга 2000 сўм.	Массаж - бир ойга 2500 сўм.
Бухгалтерия - бир ойга 2500 сўм.	Лор ҳамшираси - бир ойга 2500 сўм.

Уй ҳамшираси - бир ойга 2500 сўм. (Гувоҳнома берилади.)

Ўқиш ҳафтада икки марта. Ўқинди битирганларга диплом берилади.

Манзилимиз: метронинг “Тинчлик” бекати. “Азиза Сайфи қизи” ательесининг ичида. Тел: 42-19-57. “Адида” дўкони ёнида.

ОИЛА-15

Ёши 34 да. Тошкентлик. Ажрашган, уй-жойли, оғир-бошиқ, меҳнаткаш аёл оила куришни истайди.

Хурматли АБДУРАЗЗОК ака, ТУРСУНОЙ амма!

Сизларни 9 ва 10 май туғилган кунларингиз билан бини қалбдан таъриқлаймиз. Доимо соғ бўлингизлар.

Хурмат ила Раҳматовлар оиласи

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади:

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухороча.
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар ва эркеклар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

Манзил: Абай қўчаси, 4 “А”-уй, 1-қават, 114-хона. Тел: 144-03-25; 125-19-15. Мўлжал: “Алишер Навоий” метро бекати.

ЭЪЛОН!

хусусий фирмасининг учбурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Азиз дадажонимиз Арслон КАМОЛОВ!

Сизни 3 май шавалуд кунингиз, қутлуғ 60 йиллик тўғилганингиз билан бини дилдан қутлаймиз. Сизга узок умр, соғлиқ ва оқламингизга бош бўлиб торилишингизни тилаймиз.

Фарзандларингиз, набираларингиз номидан Гулноза, Гулнора, Гулираёна ва Дилфуза

ЭЪЛОН

Тери-таносил касалликларини тиббиёт фанлари номзоди доволайди. Беморлар шахси сир тутилади.

Мурожаат учун телефонлар: 21-22-12, 21-27-01.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБ томонидан 13 июл 1996 йил Рўзमतова Раъно Абдувоҳидова номига берилган СА №0230068 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБ томонидан 13 июл 1996 йил Рўзमतова Раъно Абдувоҳидова номига берилган СА №0230068 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Рўзमतова Раъно Абдувоҳидова номига 15.05.98 йилда берилган АГЛ - №832209 УзВ - 549777 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЭЪЛОН

Табий дори-дармон маҳсулотлари билан пещ-мохов, бўгин-тери, саратон, қандли диабет хасталикларини доволаймиз.

Тел: 75-43-38.

“ХАДИЧА САЪХАТ” ФИРМАСИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

3-ойлик	2-ойлик
Бичиш ва тиқиш (3-6 ой) Бухгалтерия. Уй ҳамшираси. Радио-телевизор устаси. Инглиз тили, араб тили, рус тили, ўзбек тили.	Қандолатчилик. Сартарошлик. Массаж.

Манзил: Янгиобод даҳаси. Мўлжал: “Янгиобод” кинотеатри. Тел: 98-71-98. Авт: 30, 119, 5, 61, 23, 26, 39. Маршрут: 45, 18, 57, 39.

“ГЕЛИКОН”-СЕРВИС “ХОЛИС ХИЗМАТ”

Сизнинг барча муаммоларингизга ёрдам беради.

- Уй жиҳозларини ювиш;
- Тўй ва бошқа маросимларда ёрдамлаш;
- Уй ҳамшираси, касални боқувга олиш;
- Ёш болаларни назоратга олиш (соат бўйича ёки бир неча кунлик).

Ва бошқа сизга зарур бўлган ёрдамларни ҳал қилишда биз қафолат бера оламиз. Тел: 41-22-81. Соат 10 дан 18 гача. Шанба ва яқшанба кунлари: 75-71-43, 24-78-05.

КАФТДАГИ ТАҚДИР

Хиромантия инсоннинг тақдири, хулқ-атвори, истеъдоди, ақл идрокки, куч-қуввати, сийхат-саломатлиги, одоб-ахлоқи, оилавий ҳаёти, ишқий муносабатларини аниқловчи ва шулар асосида аниқ башорат қилувчи муқаммал билимлардан бири.

Хиромант аввало қўл турига: 10 та бармоққа ва улардаги 30 та бўгинга, бармоқларнинг шакли, қуч-қуввати, ранги, таратаётган ҳарорати, тирноқларнинг ҳолати, кафтдаги чизиклар ва яна жуда кўп нарсаларга суянади. Бунинг учун эса дастлаб ҳар бир қўл турига тегишли қонуниятни аниқлаш лозим.

Инсоннинг 5-6 ёшидан бошлаб, то умрининг охиригача кафтига қараб башорат қилиш мумкин. Чунки 5-6 ёшда ҳар бир одамнинг чап қўл кафти тўла шаклланиб бўлади. У хиромантияда Худо берган қўл ҳисоблашни ҳам беҳиз эмас. Чап қўлда Оллоҳ инсонга ато этган илоҳий, наслиқ, ақлий ҳамда сийхат-саломатлигига оид барча маълумотларни ўқиш мумкин. У инсоннинг имкониятлари даражаси акс этган қўзғудир.

Чап қўлга қараб одамнинг куч-қуввати, умри, касб-кори, мартабаси, оилавий ҳаёти ва истеъдодини аниқласа бўлади.

Унинг энг яхши томони шундаки, тажрибали кафтшунос хали мактабга бормаган боланинг бўлажак касб-корини аниқлашда жуда катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Ана шунда одам ҳозиргидек 35-40 ёшида эмас балки 24-25 ёшида, ҳатто ундан ҳам аввалроқ ҳаётда муносиб ўрнини топиб олади. Бинобарин, аксарият ривожланган мамлакатларда, айниқса Оврупада болаларни ҳали ёшлик пайтидаёқ кафтшуноса олиб бориб, бўлажак касбни тўғри танлаб билишади. Зотан, қўлга қараб башорат қилишда аниқлик даражаси гоҳо 90 фоизни ташкил қилиши мумкин.

Шунингдек, турмуш қурмоқчи бўлаётган йигит-қизларнинг кафтдаги юрак чизиги ва бошқа белгиларига қараб, уларнинг келгуси ҳаётини башорат қилиш ҳам мумкин. Юқорида чап қўл хиромантияда Худо берган қўл деб ҳисобланишини айтиб ўтдим. Ҳўш, ўнг қўл-чи, деган савол туғилиши табиий. У чап қўлнинг амалдаги

ижроси, ҳар икковидаги чизиклар, дўнликлар бир-бирдан доимо фарқланади.

Ўнг қўл Оллоҳ берган жамики имкониятларни инсон қай даражада рўёбга чиқара олаётганини акс эттиради. Ана шу сабабли ҳам чап қўлдаги аниқ, раво чизиклар ўнг қўлда хира тортиб кетиши, баъзан ҳатто кўринмаслиги мумкин. Ёхуд, аксинча, ўнг қўлдаги камчиликларни тўлдирishi ҳам кузатилади.

Бирок айрим ҳолларда ўнг қўл Оллоҳ инъом этган яхши хислатлар барбод бўлиб кетганини кўрсатиши ҳам эҳтимол. Зеро, одам боласи борки, бу ёруғ дунёга камид бир неча фазилат билан келади. Ҳамма гап-шахс уларни рўёбга чиқара олиши ёки... йўқ қилиб юборишида. Айнан ана шу сабабли ҳам айрим бахтсиз кимсалар, ёвуз жиноятчилар шу ҳолга тушишига ўзидан бошқа ҳеч ким айбдор эмаслигини тушуниб олиш мумкин. Кўпчиликни қизиқтирадиган бир савол! Чап қўлда бўлгуси бахтсизликлар кўринадими ва уларни олдини олиш мумкинми? Ҳа, чап қўлда ноҳуш белгиларнинг содир бўлиш вақти даярли яққол кўрсатилади.



ЮЛДҲЗЛАР ВА ИНСОН

Энди умр кўрсаткичларига келсак, мен кўрган қўлларда у 90-100 йилдан кам эмас. Энг кўпи 140-150 йилни кўрсатади, ўртача 110-125 йилни ташкил этади. Бирок умр чизигининг ўнг қўлдаги “ижро”-си қисқариб борадики, бунга юқорида айтганимиздай шахснинг ўзи айбдор.

Кафт - тақдир китоби. Бунга мана бу ибратли воқеа далил бўлиши мумкин.

Машҳур актёр ҳали ёш, ҳеч кимга танилмаган пайтида Америкага илк марта пантомима ижрочиси сифатида борган эди. Англияга қайтар чоғида эса портда бир хиромант унинг кафт чизикларига қараб, тақдирини шундай айтиб берган:

- Сен бу ерга ҳали яна келасан ва қоласан. Ниҳоятда таникли актёр бўласан, миллионерга айланасан, сени бутун дунё олишлайди. 51 ёшингда яна ўлигинг, бешта фарзанд кўрасан. 81 ёшингда оламдан ўтасан...


Мазкур башорат юз фоиз амалга ошганини, актёр айтилганлардан узоқроқ яшаганини ҳамма билади. Бунга балки Чарли Чаплин ўзига ато этилган имкониятлардан ўз вақтида хабардор бўлгани ва уларни рўёбга чиқариш учун астойдил урингани сабабидир?

Ҳабибулла АПОНОВ

КУДАЧИЛИК-ТАЛОУЧИЛИКМИ

ЁХУД УРФ-ОДАТ ФОЖИАСИ

МУЛОЖАЗА.
МУХОБАМА.
МУНОЗАРА.



(Боши ўтган сонда)

Чақалоққаю, куёву, унинг қариндош-уруғларигача сарполарни айтмасам бўлаверди.

Бу ҳақда эримнинг бир аммаси: "Қизни туғиб қўйгандан кейин сарфига ҳам чидайди-да", - деса, бир холаси: "Сарфласа қизнинг обрўси учун, қизи учун сарфлайди", - дегани қулоғим остида ҳамон жаранглайди. Шундай пайтда ота-онам билан қайнона-қайнотамнинг турмуш тарзларини кўз олдидан ўтказаман. Эрим томондагилар тўй-маъракалардан қолишмас, ҳар ўн-ўн беш кунда бир мартадан уфлатлари, ишхонадагилар билан алоҳида-алоҳида "гап" ўйнашар, ишдан қайтган ва шанба-якшанба кунлари дам олишар, инсондек яшашарди. Аммо ўз ота-онамлар бўлишса, бунақа "гап"ларга вақт топишолмас, маблаг сарфлашмас, тўй-маъракаларнинг энг зарурларигагина боришар, биров азбаройи чарчаганларидан кўп ўтирмай, тез қайтишарди. Давлат идораларидаги меҳнатдан ташқари, бозорга ҳам чиқишарди. Эрта тонг соат 4 дан кеч соат 11-12 ларгача ишларди. Албатта, ҳар икки томоннинг топиш-тутиши ҳам шунга яраша эди.

Бир кун қайнонам:
- Фалончининг қайнотаси куёвига машина олиб берибди, - дедилар менга маъноли қараб, - Сизнинг отангиз машиналарини эрингизга сотмасмиканлар?

- Билмадим, нима, машиналарини сотишарканми? - дедим мен ҳам гап нима ҳақда кетаётганини тушунамасликка олиб.

Орадан кўп ўтмай эрим дадамга: "Шу машинангизни менга сотинг", - деди.

- Йўқ, ўғлим, - дедилар дадам. - Бу машинам эскириб, чириб кетган. Сизга бўлмайди. Худо хоҳласа, сизга сал ярайдигарогини олармиз.

Шу-шу бўлди-ю, шундоқ ҳам йўқ тинчлигим бузилди. Қайнотам ва қайнонам ҳам менга: "Сенинг ота-онанг мулклараст", - деган гапни айтадиган бўлишди. Мен билан жанжал чиқаришга бошқа тузуқроқ баҳона тополмадилар шекли, ўғиллари билан атайлаб жанжал чиқарадиган, унга: "Бу уйдан чиқиб кет", - дейдиган бўлишди. Жанжал кундан-кунга авж олаверди. Эрим менга:
- Юр, сени бу уйдан олиб чиқиб кетаман. Бирорта уй топиб ижарада яшаб турамин, - деди.

Менинг раъйим, ота-она билан муро-

са қилишга даъватларим зое кетаверди. Ота-она ва ўғил орасидаги можаролар ёмонлашса ёмонлашмавердики, яхшиланмади. Охири бўлмади. Эрим бориб менинг дадамга ҳам ижарага уй олиб яшамоқчи эканлигини айтди. Шунда дадам:

- Ўғлим, ота-онангиз сизни не не орау-умидлар билан боқиб, катта қилган. Уларни норози қилиб ўйларидан чиқиб кетсаларинг Худога ҳам хуш келмайди. Пайгамбаримиз (с.а.в.): "Онанг тўнғиз бўлса ҳам бойлаб қўйиб боқ", - деганлар. Ота-онани норози қилиб бўлмайди. Лекин натижа бўлмади. Куёвнинг қарори қатъий эди. У мени ота-онанинг ўйида қолдириб ўзи чиқиб кетди. Шундан кейин кунига бўлмаса ҳам кунора бир қатнаб мени ва қизини кўриб кетиб турди.

Ана шундай қатнашларининг навбатдагисиди бир ўртоғининг машинасида келди. Бироқ уни дарвозанинг олдида келиб тўхтаганда машинанинг ичиди ётганини кўрдим. У қаттиқ бетон эди. Тез уйдагиларни чақирдим. Қўлларидан келганча муолажа қилишди. Юзларига сув сепишди. Бўлмади. Бечора дадам ҳовлида эски уй кийимида йиртиқ пойфазал кийиб ер чопиб юрувдилар. Шу ҳолатда машинага ўтириб касалхонага шошилишди. Мен ҳам қизимни олиб машинага ўтириб олдим. Касалхонада уни кардиограммадан сўнг дори бериб, уқол қилишди. Куёв ўзига келгач, уни олиб ўзимизнинг машинамизга ўтириб ота-онам билан ҳаммамиз қайнотамнинг ўйларига бордик. Дадам у кишига куёвнинг тоби қочиб қолганлигини, дўхтирча олиб борганимиздан кейин хушига келганини айтган эдилар, қайнотам:

- Ёлғон! Узини ёлғондан касалга солган. Мени уймдан чиқиб кетсин. У ўғри, уймдан машинанинг олд ойнасини ўғирлаб сотган, - деб бақирдилар.

Бу гапни ўй ичиди эшитиб турган эрим ташқарига чиқиб:

- Ада, ёлғон гапирман, қачон ўғирлик қилдим?! Уша машинанинг ойнасини ўзим олиб келувдим, кейин эгасига қайтардим. Бировнинг омонатини эгасига қайтариш ўғирлик бўладими, - деди.

Шу пайт қутилмаган воқеа содир бўлди. Қайнотам девор остида турган кетмон сопини олиб "сени ўлдирман!" дея касал ўғилларини қувиб кетдилар. Онам уларни ажратмоқчи бўлиб ўнларидан турувдилар, кетмон сопининг бир уйи елкаларига теги. Оғриқ азобига чидолмай қандай ўринларидан турган бўлсалар яна шундай ҳолатда ўтириб қолдилар. Куёв кўчага қочиб кетган, қайнотам уйга қайтдилар ва отама:

- Қаерда яшаса яшайверсин! Менинг бунақа ўғлим йўқ, - дедилар.

Не қиларларико, не деярларини билмай ҳайрон бўлиб турган дадам сал ўзларини тугтиб:

- Қуда. Агар чиндан ҳам шундай бўлса, балки бирлашиб, биров жойдан уй-пуй олиб берсак, қандай бўларкин? - деб сўрадилар. Шунда қайнотам қатъий қилиб:

- Менинг бундай ўғлим ҳам, унга берадиган пулим ҳам йўқ, - дедилар.

Мен не қиларимни билмай ота-онамга боқаман. Уларнинг юзларидан ёғилаётган ғам-ташвишни кўраман-у, қалбларидидаги оҳ-фарёднинг нақадар қучли тўлқин отаётганини ҳис қилиб, ачиниб кетаман. Кошки эди, шу лаҳзада ер ёрилса мен бечора унга кириб қўя қолсам. Ўзимдан кўра кўпроқ ота-онамга қуяман. Эҳ бечора, қиз боққан ота-она! Уларнинг гуноҳлари не эди? Қизларини оқ ювиб, оқ тараб улғайтиришса, ўзлари емай-ичмай едириб-ичиришса, сеп йиғишса, қудаларнинг "юзи ёруғ бўлсин" деб бор будларини унинг хонадонига

ташишса, қудаларию куёвлари осмондан келган пайтларда ҳам қизимиз уларнинг қўлида деб, оғизларида мум тиллашса-ю, эвазига шундай қўрғуликка дучор бўлиб туришса, мен қандай чидай?

Тун атрофга қора чойшабни ёпа бошлаган гира-ширада машинамизга ўтириб кўчага чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, нарироқда буталар ортида эрим йиғлаб ўтирарди. Ёнига бориб тўхтадик.

Ота-онанимнинг биз эру хотинни қайнотамнинг олдларига олиб бориб, кечирим сўратиб ҳақидаги ялиниб-ёлвориларни бехуда кетди. Куёв уйига қайтмасликка қатъий аҳд қилган экан. Бошқа илоҳи қолмагач, қайқандир келиб қолган қайнотамнинг эри гувоҳлигида уни ҳам олиб тутилган уйимга кетдик.

Эртасидан бошлаб эса "дом" қидирдик. Бир ой деганда эримга маъқулини топдик (унгача ҳайдашдан мақсадлар маъқул тушса ҳам эримга ёқмаган эди). Уй эгасига "ширинкома"ни бериб эшик қалитини олдик. Ота-онам оиламиздаги бу нотинчликни кўриб, мени эрим билан яшаб кетишимга ишонимиздадим, билмадим, уйни укамнинг номига расмийлаштирадиган-у, унда биз яшайдиган бўлдик. Бу гапни эрим ва қайнотаяқинонамлар эшитишди-ю авзойларни бузилди.

- Йўқ, - дейишди улар ўғилларига, - бировнинг номидаги уйда яшамайсан!

Мен шундагина қайнона-қайнотамларнинг ўзаро жанжал чиқариб ўғилларини кўчага ҳайдашдан мақсадлар менинг ота-онамдан уй ундириб олиш эканлигини англадим. Шуни илгарироқ билганимда, ота-онамга шу уйни эримнинг номига расмийлаштириб бера қилинлар дердим... Бироқ энди кеч эди. Қайнона-қайнотамнинг: "Қудаларимиз ўғлимизни ўзларига оғдириб олиб, келажақда унинг пулини емоқчи", - деган гаплари ота-онамнинг қулоқларига етиб бориб, ғоят оғир ботгани сабабли улар уйни ҳам эгасига қайтариб беришган эди!

Бейхотиёр яна хаёлга толаман. Наҳотки ота-онамнинг кунлари куёвнинг келажақда топадиган пулига қараб қолган бўлса? Ахир у командировкага борадиган бўлса ҳам ота-онаси пул бермас, мен уйимизга бориб ота-онамдан олиб келиб берадими-ку. Эсимда бор, бир кун эримга сафарга кетиши учун пул сўраб борсам, дадам уйда йўқ эканлар. Онам бечора қўшнани ўйини қориб, қарз олиб келиб берган эдилар. Ҳар қўришганимизда ҳам "Сен уйда ўтирибсан, эринг кўчада, унга пул керак бўлиб қолар (ота-онаси унга пул бермаслигини билишарди-да)", - деб менга атаганларини бериб кетишарди-ку. Наҳотки, шундай одамлар "куёвнинг пулини ёлғимиз" дегувчи бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

Хуллас, яна қайнона-қайнотамникида яшай бошладик. Кунларнинг бирида эрим бир ўртоғи билан дадамга бориб:

- Тижорат билан шуғулланмоқчиман, ёрдам беринг, - депти.

Куёвни пайгамбарлар сийлаган дегувчи дадам бу ишга ота-онасининг рози эканлигини сўраб билгач, унга ёрдам бериб савдо учун жой олиб берибдилар. Бироқ жой бўлгани билан эримда пул ҳам йўқ эди. Нақд пуллари йўқлиги учун минг долларлик товарни таннархини ёзиб бериб дебдилар:

- Мана шу товарларни сотиб "оборот" қилинг.

Эрим товарларини олиб сотиб пулини "оборот"га киритди. Бироқ бу эҳсоннинг оқибати ҳам хунук тугади. Эрим бироз шамоллаб қолувди, қайнотам дадамга:

- Сенларни товарларингни сотиб, ҳамининги қаппайтираман, деб ўғлим шамоллаб касал бўлди, - депти.

Бу тўхматдан дадам бош чангаллаб қолдилар.

- Хой, барака топгур куда, у товарларни мен сотиб бергани эмас, еб-кетарга бердим-ку, - десалар ҳам улар қулоқ солмадилар.

Дадам бечора нима ҳам қилсинлар. Қаттиқ гапирай десалар, қизлари унинг уйида, гапирмай десалар қудалари бетларига қараб тўхмат қилиб турибди. Осмон йироқ, ер қаттиқ. Чидадилар. Эрим бу воқеаларни била туриб лол-мумин демади. Менинг эса гапиршим мумкин эмасди.

Аммо нима бўлганда ҳам эримнинг тижорати шу билан юришиб кетди. Олти ой деганда "Жигули" олди. Кейин уни сотиб, яп-янги "Нексия"ли бўлди. Яқин-яқингача олган маошини тўлалигича отасига олиб келиб бериб, йўл кира учун ҳам мен орқали қайнотасидан пул сўровчи эримнинг қўлида жарақ-жарақ пул ўйнайдиган кунлар келди. Албатта, бунгача унинг улгуржи товар олишига дадам ёрдам берадилар. Шаҳарма-шаҳар унинг кетида юрардилар. Бироқ мен унинг на юриш-туришига, на пул ишига аралашмас эдим. Аникроғи, бу менга таъқиқланган эди. "Мени бошқа севганим бор, хоҳласанг иккинчи хотин бўлиб яшайвер, аммо ҳеч қачон ишимга аралашма, хоҳламсанг кет", - дерди у.

Қутилмаганда бир кун эрим менга:

- Бугундан бошлаб сен ота-онамнинг уйида турасан. Бирор жой топганимдан кейин олиб кетаман, - деди. Қайнотаяқинонам ҳам қаршилик кўрсатишмади. Мени эрим ота-онамнинг уйига ташлаб кетди. Дастан кунора, кейин ҳафтасига бир ҳабар олиб турди. Ҳар келганида ота-онам ҳам, ўзим ҳам соғинч билан илақ қутиб олдик. Дастурхон ёздаки... Лекин у бир келганида томдан тараша тушгандек қилиб: "Дадангга айт, бориб уйдан у-бу нарсаларингни олиб келсин", - деди. Сабабини тушуноммай қолдим. Кейинги келганида дадамнинг олдларига: "Агар даданг бугун бориб мебел-белбинини олиб келмаса, эртага ҳаммасини ёқиб ташлайман. Итни ҳам ҳайдаша кетайди. Сенлар итчалки ҳам эмасмисан", - деб дўқ урди. Илож қанча? Қайнотамнинг ўйларига бордик. Буни қарангки, ўша кун қайнотамникида тўй бўлапти.... дейишди. Бошқа кун борибдик. Қайнотам бизни кўриб беркинчи олдлар. Қайнонам бўлсалар:

"Бунақа мебелларини олиб кетиб яна қайтариб олиб келган келинлар сон мингга", - дедилар. Хуллас, кўч-кўронни олиб келдик.

Энди, ҳўш, келин-куёв ўзларинг қандай яшардиларинг, деган савол туғилади. Афсуски, бу саволга ҳам ижобий жавоб топиш қийин. Эрим менга аёл сифатида эмас, бир уй чирини сифатида қаради. Қир ювиш, овқат пишириш, уй супуриш каби ишларни ҳам бир ўзим қилаверардим. Эрим эса бунақа ишларга қўл урмасди. Қайнонамнинг кўнглиларига йўл топишни истардим. Бемор бўлиб қолсалар оёқ-қўлларини уқалардим, силардим. Мен пиширган таомларни оиламиз аъзоларига эмас, гоҳ-гоҳ келади ҳаммоллар ҳам тотли экан деб дуо қилиб тановул этишарди. Айниқса, қайнотам келган меҳмонларга: "Илоҳим сизларга ҳам шу келинмига ўхшаш қўли ширин, хушмуомала ва одобли келин ато қилсин", - дердилар. Шундай пайтларда менга тарбия берган ота-онамни дуо қилардим, фахрланардим!

Бироқ эрим мени инсон сифатида кўрмас, ярим тунда келиб, у-буни баҳона қилиб жанжал кўтарар, диққат қилаверар эди. Тун бўйи йиғлаб чиқардим.

Мурод КАЛОНХОН

(Давоми бор)

